O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 29 март ШАНБА
№ 24 (12.035)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## «ЕТТИНЧИ ХАЗИНА» ЭШИГИ ОЧИЛДИ

**Ўртачирчиқ туманида аёллар уй меҳнати маркази тантанали суратда очилди**

Бу хайрли тадбирнинг ўтказилишини кўплаб хонадон соҳибалари катта қизиқиш билан кутишганди. Чунки, очилажак марказнинг асосан паррандачилик соҳасига ихтисослашиши назарда тутилганди. Демак, шундай марказни ташкил этишдан мақсад аҳоли хонадонларида парранда боқишни кенг кўламда ривожлантиришга амалий ёрдам беришдир.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов иштирок этди.

– Янги марказ аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ кўпгина муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам беради, – деди у. – Парранда бор хонадонда қут-барака бўлади. У оилаларда турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу марказ ўз ҳовлисида парранда боқишни хоҳловчи барча хонадон соҳибларига ёрдам беришга тайёр.

Марказ энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда 55 минг дона тухумга мўлжалланган инкубатор, тухум очириладиган катта шкаф ўрнатилган. Хуллас, ҳамма ишлар паррандачиликнинг халқаро андозалари талабларига мос тарзда бажарилган.

– Бизда ҳар бир жараён аниқ ҳисобга олинган ва дақиқама-дақиқа белгилаб қўйилган, – дейди марказнинг паррандачилик бўйича бош мутахассиси Ҳакимжон Алимов. – Ҳар олти кунда инкубаторларга 7,5 мингтадан тухум қўйиб борамиз. Улар мўътадил ҳароратда 18 кун тургач, уч кунга очириш шкафига қўйилади. Қарабсизки, жажжи жўжачалар бирин-кетин тухум ёриб чиқади.

Мутахассисларимиз ветеринария назоратини таъминлаб, тегишли маслаҳатлар ҳам бериб боришади. Шу мақсадда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида марказимизнинг филиалларини очишни режалаштирмоқдамиз.

Аёллар уй меҳнати марказида мутахассислардан ҳам гўштга мўлжалланган, ҳам тухум берадиган парранда зотларини тўғри сақлаш, боқиш ва парваришлаш юзасидан малакали ёрдам олишлари мумкин. Шунингдек, бу ерда чорвачилик ва пиллачилик бўйича ҳам фойдали маслаҳатлар бериб борилади.

Дарвоқе, марказ очилган куниёқ, аёллар учун семинар уюштирилди. Унда Тошкент давлат аграр университетининг пиллачилик кафедраси мутахассислари ипак қуртини очириш олдидан тегишли маслаҳатлар беришгани айни муддао бўлди.

Саноқли кунлардан сўнг барча тест синовлари якунланиб, инкубаторга дастлабки партия тухумлар қўйилади. Уч ҳафта ўтиб эса, хонадон соҳибалари бу ерда очирилган соғлом жўжаларни уйларига олиб бориб, парваришни бошлаб юборадилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, уларнинг хонадонларига файз, рўзғорларига барака киради.







**СУРАТЛАРДА:** марказнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## ШҲТ МАТТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**ТОШКЕНТДА 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этдилар.**

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этиладиган ушбу ташкилотнинг 2007 йилдаги фаолиятига доир ҳисобот лойиҳаси маъқулланди. Шунингдек, 2008 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ХХР ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш доирасида 2008 йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшма тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди, бу борадаги ҳаракатларни бундан буён ҳам мувофиқлаштириш чоралари ишлаб чиқилди.

Кенгаш терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш билан боғлиқ бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлиси амалий ва ишчанлик руҳида ўтди.

**ЎзА.**

**ОҲАНГАРОН саноат касб-ҳунар коллежида ўнга яқин йўналиш бўйича малакали ёш мутахассислар тайёрланмоқда.**

## «КОЛЛЕЖ АЪЛОЧИСИ» СТИПЕНДИЯСИ

Улар электр тармоқлари ва жиҳозларни монтаж қилиш ҳамда созлаш касбларига ҳам ўқитилаётир.

Ёшлар йилида билим ва амалий кўникмаларни пухта эгаллаётган иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида «Коллеж аълочиси» стипендияси жорий этилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ЎТМОҚДА

**ЮРТИМИЗДА Миср маданияти кунлари бошланди. Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миср Араб Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

31 мартгача давом этадиган Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларга бой. Ҳафта мобайнида пойтахтимиздаги кўргазма заллари, маърифат масканлари, олий таълим даргоҳлари ва истироҳат боғларида мисрлик ижодкорларнинг рассомлик, хаттотликка оид кўргазмалари, талабалар ўртасида араб тили бўйича мусобақалар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, анжуманлар, кўрик-танловлар бўлиб ўтади.

**ЎзА.**

## ЮРТ КЎРКИНИ ЎЙЛАБ

**қурилган бино халққа кўп йиллар хизмат қилиб, авлодларга арзирли мерос бўлиб қолади**

Мамлакатимизда туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар доирасида замонавий бунёдкорлик соҳасини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиш мақсадида кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Буни ҳар биримиз ўзимиз яшаётган ҳудудда юз бераётган ўзгаришу янгиланишларда яққол кўришимиз мумкин. Турли катталикдаги ижтимоий объектлар, гузару боғлар, коллежу мактаблар, тиббиёт муассасалари ва бошқа янги-янги иншоотлар юртимизга ўзгача чирой бағишлаётгани киши дилини фахр ва ифтихорга тўлдиради...

– Юртимизда «Шаҳарсозлик кодекси» ва «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши соҳадаги ишларнинг қонун дорасида амалга оширилишига асосий омил бўлмоқда, – дейди вилоят бўйича Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси бош архитектори Абдувосит Қосимов. – Вилоятимизда мустақиллик йилларида кўплаб йирик замонавий объектлар, йўллар, коммуникация тармоқлари ва инсон манфаатлари учун хизмат қилувчи бошқа қатор иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, бунёдкорлик ишларининг асосий қисми шаҳарсозлик қонун-қоидалари, шаҳар ва туманлар ҳудудини режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари ҳамда қурилиш соҳасидаги тартиб ва меъёрларга риоя этган ҳолда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**СИР эмас, фермерлар қишлоқда таниқли кишилар бўлиб қолдилар. Чунки, энди ер уларники. Илгари жамоа мулки бўлган экин майдонлари фермерлар тасарруфига ўтди. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам улар етиштираяптилар.**

## ФЕРМЕРНИНГ НИЯТИ ХОЛИС



«Класс-Доминатор» русумли дон комбайни сотиб олиш мақсадида Миллий банкдан беш йил муддатга 132 миллион сўм кредит олдик. Қарздан бемалол узилишимиз ва техника ёнимизга қолиши аниқ. Чунки, бу йил 480 тонна ғалла, 450 тонна пахта хирмони уйиш ниятимиз бор.

Айни кунларда фермер хўжалиги далаларида чигит экиш ҳал қилувчи паллага кирди. Мақсад – шу ҳафтанинг охирларидан кечиктирмай якунлаш. Иш эрта тонгдан кеч қоронғи тушгунча давом эттирилаяпти. Экиш ишларига жалб этилган техникаю ишчи кучларига хизмат кўрсатиш ҳам бевосита дала бошига кўчирилган.

**СУРАТЛАРДА:** чигит экиш жараёнлари.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Ҳақиқий фермер тезда ўзини кўрсатади, эл оғзига тушади. Мурод Ортиқалиев ана шундай фермерлардан. Унга қарашли «Агро бинокор М» фермер хўжалигига бугун Янгийўлда ҳамма ҳавас билан қарайди, десак муболаға бўлмайди.

Хўжаликнинг тез оғизга тушишига сабаб, номидан ҳам кўриниб турибдики, у кўп тармоқли. 96 гектар майдондаги буғдой майсалари яшнаб турибди. 7,5 гектар мевали боғдаги дарахтлар бирин-кетин шиғил гулга кирган. 10 гектарли иссиқхонадаги ишлар ҳам жойида. Қолаверса, хўжаликнинг пахта майдони бу йил 142 гектарга етди. Бунинг сабаби шуки, хўжалик ўзининг шахсий техника воситаларига эга, четдан ёрдамга муҳтож эмас.

– Биз ишлаб топаётган даромадимизнинг асосий қисмини хўжалигимиз фаолиятини кенгайтириб боришга, тобора мустақиллашиб, моддий-техник базамизни мустаҳкамлашга сарфлаяпмиз, – дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Алишер Турғунов. – Бунинг учун бизга барча имконият ва имтиёзлар берилаяпти. Шундан фойдаланиб, қўшимча тракторлар ва



## МАҚСАД АНИҚ

**«ОҚҚЎРҒОН МТП» очиқ акциядорлик жамияти тумандаги фермер хўжаликларига чигит экиш мавсумида зарур қишлоқ хўжалиги техникаси масаласида кўмак бериш мақсадида 264 та фермер хўжалиги билан 728 миллион сўмлик шартнома тузган.**

Эрта баҳордан 16 та юқори унум билан ишловчи, 5 та «МХ-140» русумли трактор, 11 та «Магнум» ёрдамида ерлар сифатли тайёрланди.

Айни вақтда чигит экиш қизғин паллага кирди. Иш 2 сменада ташкил этилган. Механизатор ва ишчиларга иссиқ овқат ташкил қилиниб, улар далабоп кийим-бошлар билан ҳам таъминланган. МТПга қарашли кўчма устахона мунтазам ишлаб турибди.

МТП тасарруфидаги барча техника, трактор, культиватор ва сеялкалар қишда сифатли таъмирдан чиқарилгани сабабли юқори унум билан ишлаяпти.

– Механизаторларга, таъмирловчи усталарга етарли шарт-шароитларни яратиб берганмиз. Экиш мавсумини қисқа муддат – 10 иш кунида туғаллашни мақсад қилганмиз, – дейди жамоа бошқаруви раиси Ғафур Жуманов.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

## «МЕН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!»

**БАЛОҒАТ ёшига етиб, шу кунларда қўлларига паспорт олаётган йигит-қизларнинг чеҳраларида қувонч порлайди, қалбларида шу азиз ва муқаддас Ватан учун ифтихор туйғулари жўш уради.**

Шаҳар ва қишлоқларда ёшларга паспорт топшириш тантаналари баҳорий байрам – Наврўз маросимларига ҳам алоҳида шукуҳ бағишламоқда.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгаши ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда шундай тадбир ўтказди.

– Пухта билим олиб, мамлакат халқ хўжалиги учун зарур касбларни эгаллаб, юртимиз учун муносиб фарзанд бўлиб етишишингизни тилайман, – деди қўлларига паспорт олаётган ўсмирларни табриклаб, кенгаш раиси Дониёр Азизхўжаев.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**2008 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

